

28-mart
2024-yil 13 (1063)



IJTIMOY-
SIYOSIY
GAZETA

XXI asr

GAZETA 2004-YIL 1-YANVARDAN CHOP ETILA BOSHLAGAN

© 21asr.uz © XXI_asr@mail.ru @XXIasr_yangiliklari XXIasrgazetasi asr_xabarlari_news

ТАВАККАЛЧИЛИК КАФОЛАТЛАНИШИ КЕРАК

ЁХУД АГРАР СОҲАДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ СУҒУРТАСИ ТИЗИМИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЗАРУРЛИГИ ХУСУСИДА АЙРИМ КУЗАТУВЛАР




2

ЭЗГУ ТАШАББУС ЭЛЛАРГА ТАТИР: САЙХУНОБОД ТАЖРИБАСИ УЙЧИГА КЎЧМОҚДА

- Илгари яширин ишлаган заргарлар нега “соя”дан чиқди?
- Йигирма минг тонна бурама мих кўпми ёки оз?
- “Қумтепа” ёшлар кичик саноат зонасининг истиқболи нимага боғлиқ?
- Маҳалла еттилиги етиб боролмайдиган масала борми?
- Энергия тежамкорликнинг “IE2” даражаси қандай кўрсаткич?
- Биринчи миллий ГЭС қаерда қурилади?
- Ўзбекистон халқи бир вақтда дастурхон атрофида жамулжам бўлганини кўрганмисиз?

ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИНИНГ НАМАНГАН ВИЛОЯТИГА ИККИ
КУНЛИК ТАШРИФИ ТАФСИЛОТЛАРИНИ ШАРҲЛАШ ДАВОМИДА
АНА ШУ КАБИ САВОЛЛАР АТРОФИДА МУЛОҲАЗА ЮРИТАМИЗ.



3



4

БИР ТУП ЛИМОНДАН 100 КИЛО ҲОСИЛ!

– Буни қаранг, лимон қўчатлари иссиқхоналарга март ойининг охириги 10 кунлигидан апрелнинг 25-сига қадар 3×3, 4×3, 5×4 схемаларда экилса, 1 туп лимондан 100-120 килограммгача ҳосил олиш мумкин экан!



5



5



6

ЯНГИ МИНГЙИЛЛИКНИНГ
ТОНГОТАРИДАН **ЎЗБЕК КЕЛАЁТИР!**

“Ёдингизда бўлса, пластик картамызга тушган нафақа пулимизниям фалон фоизга нақдлаштириб бошлаган эдик. Пластик картамызда пул бор-у, лекин тўйу маъракага борай десак, кирага беришга нақд пулимиз бўлмаган вақтлар бўлди...”



6

БАХТ КИТОБИМ
МУНДАРИЖАСИ

Умрим шамолдек елибди-ю, ўшандан бери ўзим қирққа, соғинчларим йигирмага кириб қолибмиз. Бу узун йўлларми, ё ҳазрат Бобур Мирзодек туғилган тупроқ соғинчи ўртадимми ва ё яхшилар илҳом бердиларми, ҳартугул, ўттизимда оппоқ қоғозга ўй-хаёлларимни қоралаб қўядиган бўлдим.



ХАЛҚ “ХАЛҚ ҚАБУЛХОНАЛАРИ” ДАН РОЗИ...МИ?!

Инсоният тарихида давлатчилик пайдо бўлибдики, бошқарувчилар ва бошқарилувчилар ўртасидаги муносабатларнинг энг мақбул йўллари ишлаш давом этмоқда. Бу борада турли эзу элатлар ҳар хил усуллари танлаб, турфа ютуқларга эришган ёхуд хатоликларга дуч келишган. Шунинг ҳосиласи сифатида давлат бошқаруви турлича тизимлари шаклланган.



Мамлакатимизда аҳоли муаммолари ва мурожаатлари билан ишлаш барча давлат идоралари ҳамда хизматчиларнинг долзарб вазифасига айланган. Президентимизнинг 2016 йил 28 декабрдаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонида биноян Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонаси ташкил этилган эди. Шундан буён барча давлат органларида “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак” тамойилига риоя қилиб келинмоқда.

Тизимни такомиллаштириш борасидаги ишлар изчил давом этмоқда. Жумладан, 2017 йил 11 сентябрда кучга кирган “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонуннинг 2-боб, 10-14-моддалари Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонага бағишланган. Президентимизнинг 2019 йил 17 январдаги “Аҳоли муаммолари билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида асосан Халқ қабулхоналарининг сектор раҳбарлари, тегишли масъуллар, маҳалла фаоллари билан биргаликда муаммоларни уйма-уй юриш орқали аниқлаш ва ҳал қилишни назарда тутувчи тизим жорий қилинди. Аниқланган муаммоларни инвестиция ҳамда худудий, тармоқ дастурларига киритиб ҳал қилиш назарда тутилди. “Аҳоли муаммолари билан ишлашда маҳалла институти мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонга кўра, “Маҳалла-сектор-Халқ қабулхонаси-маҳалла” принципи асосида ҳамкорлик тизими жорий қилинди. Унга асосан маҳалла раислари худудга бириктирилган масъул ходимларнинг амалга оширган ишлари юзасидан мунтазам равишда, долзарб муаммолар тўғрисида эса ҳар чоракда сектор раҳбарлари ва Халқ қабулхоналарига маълумотлар тақдим этиб боради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Китоб тупидаги Халқ қабулхонасига 2021 йилда 9179 та, 2022 йилда 8191 та мурожаат келиб тушган ва эътиборли жиҳати, 2023 йилда бу кўрсаткич 6809 тани ташкил этган. Яъни, мурожаатлар сони нисбатан камайиб борган. Масалан, ўтган йили тушган мурожаатларнинг 5924 таси қаноатлантирилиб, 3043 таси ижобий ҳал қилинган. 680 нафар мурожаатчига тушунтириш берилган бўлса, 45 таси белги-ланган тартибда рад қилинган.

Ана энди уларнинг мазмун-моҳиятига диққат қилайлик: 2023 йилдаги мурожаатларнинг 365 таси алимент ундириш, 199 таси электр таъминоти, 198 таси моддий ёрдам, 196 таси 18 ёшгача бўлган болалар нафақаси, 170 таси даволанишга кўмаклашиш, 163 таси уй-жойларни таъмирлаб бериш, 103 таси мутахассислиги бўйича ишга жойлаштириш, 62 таси кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш ва бошқа тоифадаги мурожаатлардан иборат.

Айрим фуқароларимиздан “Халқ қабулхоналари Президент ва халқ билдирган ишончни оқлайтими?”, “Муаммомиз хал бўлмаяпти, моддий ёрдам берилмаяпти” каби ўнлаб саволлар тушади. Бинобарин, бундай жумбоқ ва эътирозларга афрофлича жавоб бериш бизнинг вазифамиздир.

Биринчидан, бу халқчил тизим Президентимиз ташаббуси билан жорий этилганидан сўнг юртдошларимиз ҳадиксиз, эмин-эркин ва туну кун “10 00” қисқа рақами орқали тегишли идораларга мурожаат қилиш имконига эга бўлгани айни муддао. Қолаверса, давлат ҳам аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқат қилиш, муаммоларнинг ичига кириш имкониятига эга бўлди.

Иккинчидан, фуқароларимиз умумхалқ аҳамиятига эга норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилишга таъсир этиш имкониятига давлат эса аҳоли кайфиятини ўз вақтида аниқлаш имкониятига эга бўлди.

Учинчидан, Халқ қабулхоналари корхона, муассаса ва ташкилотларни фуқаролар муаммоси билан ишлашга,

муаммоларни қонун доирасида ижобий ҳал этишга “мажбур қилипти” ҳам.

Тўртинчидан, Халқ қабулхоналари халқ билан раҳбарлар ҳамда давлат хизматчилари ўртасида доимий равишда мулоқотни таъминлаштириш.

Бешинчидан, Халқ қабулхоналари аҳоли муаммоларини ўз вақтида, қонуний ва адолатли ҳал қилиш борасида маҳаллий кенгаشلар, юқори турувчи ташкилотларга таклифлар, ахборотлар, тақдимномалар киритиб бормоқда.

Кўриниб турибдики, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари халқимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, аҳолини ўйлантираётган долзарб муаммоларни энг юқори давлат идораларига очик, ошқора етказиш борасида ўз олдига қўйган масъулиятли вазифасини баҳариб келмоқда.

Савол туғилади: хўш, Халқ қабулхоналари тизимида муаммо ва камчиликлар йўқми? Албатта, бор. Биз ҳам қўл қовуштириб ўтирганимиз йўқ ва уларни имкон қадар бар-тараф этиш борасида ҳаракат қиялмиш. Масалан, Халқ қабулхонасига мурожаат қилувчи ҳар бир фуқаронинг муаммоси қайси давлат идорасида, қайси босқичда, ким билан, қандай ҳал қилинишини аниқлаб тўғри йўналиш ва маслаҳат бериш, масаланинг ечимини топиш борасидаги ишларимизни янада кучайтиришимиз лозим. Чунки фуқаро ўзини қийнаётган масала бўйича бошқа давлат идораларида сарсон бўлиб юрмаслиги керак. Қолаверса, фуқаро ноқонуний ва асосиз талаблар билан Халқ қабулхонасига келган тақдирда ҳам биз давлат хизматчисининг одоб қоидаларига риоя қилган ҳолда самимий мулоқотда бўлиб, ноҳақлигини асослантириб тушунтириш, муаммолар гир-добидан қандай чиқиш йўллари тўғри кўрсатиб беришимиз шарт.

Шу ўринда битта таклифимиз ҳам бор: жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашда Халқ қабулхоналарининг ваколатини ошириш масаласи қайта кўриб чиқилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бу ўзгариш Халқ қабулхоналари томонидан корхона, муассаса ва ташкилотларга киритилаётган тақдимномалар, ахборотлар, таклифларнинг таъсирчанлигини оширишга хизмат қилган бўларди.

Бир сўз билан айтганда, одамларни рози қилишдек шарафли вазифани ҳалол ва виждонан адо этиш учун ҳам-мамиз баб-баравар жавобгармиз.

Абдушукр ОМОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Китоб туманидаги Халқ қабулхонаси мудири

/// ОЙНА



РАМАЗОН

НАРХ-НАВОЛАР ОШАДИГАН ОЙ ЭМАС, АКСИНЧА...

...Рамазоннинг иккинчи куниёқ ижтимоий тармоқларда бозорларда худуддаги энг йирик овқатлар нархи ошгани ҳақида бонг урила бошлади. Айрим сайтлар Хоразмда гўшт нархи кескин кўтарилгани сабаби бўйича расмийлардан изоҳ сўрашди. Ахир, бир ҳафта оралнида гўшт баҳоси деярли 50 фоизга ошгани ажаблантирадиган ҳолат эди-да!

лувчи вақтинчалик ярмаркалар ташкил этиш билан чора топмоққа уринишяпти. Аммо бу чоралар аҳоли талабини тўлиқ қондира олмаслиги аён. Негакки, бу расталарга чиқарилган маҳсулот талаб ва эҳтиёжини тўла қоплай олмайди. Мажбурий-ихтиёрий жалб қилинган чорвачилик фермери кўпи билан бир буқани (кўпинча оддий қорамол) ярмаркага чиқаради, холос. Олган олди, қолган қолди!

“Эркин бозорга аралашиб бўлмайди”, дейишди масъуллар. Ва яна “Мазмурий буй-руқбозлик тизими ортда қолди”, деб ўзларини оқлашади. Лекин назорат-чи?!

Эсимда, ўтган аср адоғи – собиқ шўро даврида туманда ишлаганимда туман халқ назорати кўмитаси нарх-навони доимо назорат қилганига гувоҳман (ўша даврда нарх-наво-лар баъзидан кескин “ўйнаб кетиши” кузати-лган). Ҳар ойда бир марта туман халқ назорати кўмитаси тузган 7 кишидан иборат гуруҳ (мен туман газетаси вакили сифатида шу гуруҳ аъзоси эдим) мол бозорига тушиб, сўқимга боқилган бир ҳўкизни савдолашиб, харид қилиб, сўнг кушхонада сўйиб, гўшт нархини аниқлашарди. Шу орқали айрим инсофсиз қассобларнинг нархни сунъий кўтаришлари олди олинарди.

Ҳўш, маҳаллий ҳокимликлар эскирган, лекин ҳамма замонда қўлланила бунда бунда каби тажрибаларни қўллашмаяпти? Аксинча, улар бозорлардаги нарх-наво ҳақида оқорига мунтазам маълумот бериш билан банд. Бу ҳеч қандай маблағ талаб қилмайдиган тадбирни “Тадбиркорлик фаолиятига аралаша олмай-миз”, дейилган баҳона билан оқлаш шунчаки масъулиятни зиммадан соқит қилишдан бош-қа нарса эмас.

Бир ҳафтача бурун вилоятимиздаги бир қатор бозорларни атай айланиб, бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари нархи ҳам сезиларли даражада кўтарилганини кузатдим. Яқиндагина уч боғлами ўн минг сўмдан сотилаётган кўкатлар нархи икки ҳисса ошибди. Нимага? Кўкатлар иссиқхоналарда етиштирилади. Уларни иситиш учун қиш ойларида тадбиркорлар анча маблағ сарфлашади. Табиий газ ёки кўмир билан иситиладиган



иссиқхоналарда етиштирилган сабзавот, кўкатлар баҳоси ана шу сарф-харажатлардан келиб чиқади-да.

Одатда баҳорнинг илк ойида сабзавот ва кўкатлар кунора арзонлашиб борарди авваллари. Сабоби, айрим кунларда аҳоли томорқасида плёнқа остида етиштирилганлари ҳам бозорга чиқади. Маҳсулотнинг кўлайиши эса, табиийки, рақобатни келтириб чиқаради ва албатта нарх-наво тушишига асос бўлади. Ҳозир эса негадир тескари ҳолат кузатиляпти. Сабоби...

Рамазон охи муносабати билан айрим йирик савдо тармоқлари ўз маҳсулотларига чегирмалар эълон қилишгани ҳақидаги хабарларга кўзимиз тушди. Маълум фойз чегирма билан, яъни нисбатан арзонлаштирилган ма-

сулотлар рўйхатига қарадик. Афсуски, уларда озиқ-овқат маҳсулотлари йўқ экан. Фақат кенг истеъмол товарлари – кийим-кечак, маиший техника ва шунга ўхшаш, пештахталарда туриб қолган моллар экан. Шунгаям раҳмат дейиш керак!

Сўнгги йилларда ҳар бир туманда йирик совиткичи омборлар қурилди. Бу совиткичларда турли мевалар, картошка, пивё, сабзи сақлашни янги мавсумгача бозорлар тўқинлиги, нарх муътадиллигини таъминламоқда. Аммо айрим устаси фаранг “тадбир-корлар” совиткичларда куз охири ва бутун қиш давомида сифатли сақланган мева ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини бозорга чиқариб, оғзига келган баҳода сотишга ҳаракат қиялпти. Масалан, кузда аҳолидан ҳар

килограмми 10-12 минг сўмдан харид қилинган узумни хозир камда 50-60 минг сўм атрофида сотишапти. Узумни беш ой совиткичда сақлашгани учун қанча харажат кетган? Кўпи билан маҳсулот таннархининг 100 фоизи атрофидадир? Унда нега 400 фоиз устама билан сотишапти? (Эсланг, Янги йил байрами арафа-сида пойтахтда бир килограмм узум 120 минг сўмдан сотилгани ҳақида бонг уришганди). Бу каби ҳолатларни ким ёки қайси бир идора на-зорат қилади?

Узлас, улуф кунларда яхши ният қилай-лик: Рамазондан сўнг ҳаммаси изига тушиб ке-тади, насиб этса!..

Рўзимбой ҲАСАН,
“XXI asr” муҳбири

